

Ҳикматлар зиёси



07:20 / 15.01.2022 2354

Бир киши савол берди: «Шайх, гарчи хилватда, ёлғизликда содир этган гуноҳларим кўп бўлсада, инсонлар томонидан ҳурмат кўраман, яхши кўришади. Сабаби нимада экан?»

Шайх шундай жавоб бердилар: «Балки Аллоҳнинг наздида сенга тайин этилган қадар бордир. Токи сен ва Унинг ўртасида солиҳ амал давом этар экан, У зот сени гуноҳларингни сатр этиш, беркитишда давом этажак. Шоядки, бу беркитиши сени қалбингга ҳаёни солур. Шунда гуноҳ ишни қўрқув сабаб эмас, ҳаё ва уят сабаб тарк этарсан. Мажбурлик остида эмас, балки ихтиёр ила тарк этарсан.

Аллоҳ бандасини айбини дунёда беркитиб бориб, қиёмат Кунисида шарманда этиб, фош қилишдан қарамлироқ бўлган Зотдир. Аллоҳ Жамилдир, У сени тавба қилишингни ҳамиша кутади».

Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний роҳимахуллоҳ дейди:

«Киши қачон дўстини ғамга ботган, ташвишли кўрса, унинг ғамини кетказиши, қалби таскин топиши учун тасалли бериб суҳбатлашиши, яхши саналган савоб иш ҳисобланади». («Фатҳул борий», 363/9).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Ким бир қарич ерни зулм қилиб олса, қиёмат куни бўйнига етти (қават) ер осиб қўйилади».

Имом Бухорий ривояти.

Қадимдан инсонлар орасида ер талаш бўлиб келади. Тушунмаган одамлар турли воситалар билан бир қарич бўлса ҳам бировнинг ерини ўзига қўшиб олишга ҳаракат қиладилар. Ислонда бу иш зулм ҳисобланади ва катта гуноҳ сифатида қораланади. Бу зулмни қилган одам қиёмат куни мислсиз азобга дучор қилинади. Уни етти қават ерга ютқазилади ва унинг бўйнига етти қават ер тавқи лаънат қилиб ўраб қўйилади. Ким шу ҳолатга тушмай деса бировга зулм қилмасин.

Манба: *arabic.uz*